

Ўрганиш керак бўлган хорижий тиллар

Image not found or type unknown



16:00 / 16.02.2023 3129

Ўрганиш фойдали бўлган чет тиллар:

Араб тили;

Инглиз тили;

Турк тили (Туркия туркчаси);

Форс тили;

Рус тили;

Бу тиллар нафақат фойдали, балки жуда гўзал тиллар. Араб тилини мукамал билиш диний адабиётларни аслиятдан ўрганишга замин яратади. Тафсир, Ҳадис ва унинг шарҳлари, фикҳ ва унинг асослари, Қуръон билимларини ўрганиш, шунингдек, олимларнинг ижтимоий масалаларга бағишлаб ёзган оммабоп асарларини мутолаа қилишда

асқотади. Шаръий билимлар маълум марҳалага қадар устоз билан ўрганилиши шарт. Аммо, бунинг учун ҳам аввал араб тилини яхши билиш лозим. Ижтимоий аҳамиятга молик асарларни эса устозсиз мутолаа қилса ҳам бўлади. Зеро, бундай асарлар зотан тушунарли ва оммабоп руҳда ёзилади.

Бу санаганларимиз араб тилининг ухровий ва тарбиявий фойдалари. Дунёвий маънода эса араб тилини билиш араблар билан мулоқот қилиш, ушбу тилнинг балоғату фасоҳатидан баҳраманд бўлиш учун керак. Шунингдек, араб тилидан бирор қийматли асар таржима қилиб ёхуд араб тили ўргатиб тирикчилик қилиш ҳам мумкин.

Инглиз тилини чет тили сифатида ўрганиш ухровий манфаатларга васила бўлмаса-да, бу тилнинг дунёвий соҳаларда муҳимлиги барчага маълум. Инглизчангиз бўлса, дунёнинг кўп жойларида одамлар билан англашиб кетаверасиз. Агар чуқурроқ билсангиз дунёга машҳур асарларни аслиятдан ўқиб тушуниш имконига эга бўласиз. Бордию илғор технологиялар соҳасида ишласангиз инглиз тилисиз қийин. Зеро, барча техник атамалар инглизча ёки инглизлашган лотинча сўзлардан иборат. Нафақат IT соҳаси балки, кўплаб дунёвий соҳаларда инглиз тилини билиш олқишланади.

Юқорида айтганимиздек, зикр қилинган тиллар ухровий ёки дунёвий аҳамиятидан ташқари, даврлар ўтиши билан ривожланиб, гўзаллашиб қолган тиллардир. Масалан, соф адабий араб тилида бирор парчани ўқиш ёхуд эшитиш инсонга завқ бағишлайди. Баъзи олимлар бор, мавзу фикҳий ёки илмий бўлса-да, ишлатган жумлалари ғоят пишиқ, фасоҳату балоғатга йўғрилган бўлади. Шундай китобларни ўқисангиз ҳам илм, ҳам адабий завқ оласиз.

Турк тили энди ўзбеклар учун бегона тил эмас. Лекин, масофалар узоқлиги ва узоқ муддат борди-келди бўлмагани туфайли Туркия туркчаси ўзича ривожланиб, кўп сўзларни французчадан олиб, ён-атрофидаги давлатлардан таъсирланиб, бизнинг тилимиз билан орадаги тафовут жари катталашиб қолди. Ўз навбатида дунёда сўзлашувчилар сони жиҳатидан иккинчи буюк туркий тил бўлган ўзбек тили ҳам мустабид тузум даврида ўзича, мустақил равишда ривожлана олмади. Гўёки қафасга тушиб қолди.

Дунё соҳасида нимаики, янгилик чиқса, унинг номи ва атамасини руслардан олишга мажбур бўлди. Ва шу тўғрисида қайсидир маънода тилимиз ривожланишдан тўхтаб қолди.

Турк тили араб, форс ва европа тилларидан таъсирланганлиги учун ҳам баъоят гўзаллашиб, мукамаллик касб этган. Туркча асарларни ўқисангиз ўзгача завқ оласиз.

Форс тилининг жозибadorлиги, гўзаллиги ҳам бежиз эмас. У ҳам қадим империялар ва цивилизациялардан мерос бўлиб қолган тилдир. Шунингдек, жуда кўп илмий-адабий асарлар ҳам ушбу тилда битилган. «Форсий шакар аст» (Форс тили шакардек ширин) деган машҳур ибора ҳам бежиз пайдо бўлмаган. Ҳатто, шу номли роман ҳам бор Муҳаммад Али Жамолзода қаламига мансуб. Форсларнинг сўзлашувига қулоқ солсангиз худди ашула айтаётгандек, тасаввур пайдо бўлади. Чунки, сўзлари чиройли ва оддий сўзлашув ҳам маълум оҳанг ва ритмларга тушиб қолади, истар-истамас.

Рус тили доимий равишда янгиланиб, ривожланиб боровчи тил бўлганлиги учун ҳамда Россия империяси ҳам қайсидир маънода Британия империяси билан рақобатлашиб, кўп жойларни мустамлака қилганлиги ортидан рус тили жуда бойиб кетди. Боз устига, Россияда илм-фанга эътибор жуда кучли. Қаерда илм-фанга эътибор бўлса, ўша ернинг тили албатта кучаяди. Ушбу омиллар таъсирида рус тилининг фасоҳату балоғати ҳам ривожланиб, ёқимли тилга айланди.

Алишер Султонходжаев